

ОРИФ ОДИЛХОНОВ

---

ТОҒДА БИР ЧАШМА



Одилхонов Ориф.

Тоғда бир чашма: Шеърлар. -- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. — 56 б.



Ориф Одилхонов 1938 йилда Тошкент область, Паркент районидаги Сўқоқ қишлоғида тугилган. 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агро-экономика факультетини битирган. Унинг шеърлари 1960 йиллардан буён республика матбуотида чиқиб туради.

1975 йилда «Баҳор атри» шеърлар тўплами нашр этилган. Бу китоб шоирнинг юртимиз, кишиларимиз ҳақидаги яхши қўшиқларидан иборат кичик гўлдастидир.

Адилханов А. Горные источники. Стихи.

ББК 84Ўз

А 70403—236  
М352(04)—80 Доп.—80 4702057020

(С) Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

ОРИФ ОДИЛХОНОВ

# ТОҒДА БИР ЧАШМА

Шеърлар

Тошкент  
РАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА  
САНЪАТ НАШРЎТИ  
1980



## КОММУНИСТЛАРМИЗ

Бўронлар,  
Тўфонлар,  
Курашлараро

чиниққан

довюрак

Пролетариат,  
Шиддатли чақмоқдай  
Зулмат пардасин  
Бу олам юзидан

сидириб отган

Коммунистлармиз.

Капитал дунёнинг

қабиҳ бағрига

Ҳақиқат йўлида  
Ханжардай ботган  
Шонли Октябрдан

то бугунгача

Жанговар бонг уриб  
Мазлум элларни  
Ғафлат уйқусидан  
Уйғотган

Коммунистлармиз.

Не-не даҳшатларни  
Қўрмадик э, воҳ,  
Қирқ биринчи йил  
Қора қуюндек

Ёпирилганда ёв.  
 Ўрмон ҳам,  
                                 осмон ҳам,  
 Ер ҳам ёнарди  
 Ва акс этарди  
 Кўзларда,  
                                 юзларда олов.  
 У йиллар даҳшатни  
 Мудҳиш бомбадай,  
 Қулоқлар остида  
                                 портлайди ҳамон.  
 Ушанда эл дея,  
 Ватан!  
                                 Озодлик, дея!  
 Эрку ҳақиқат, дея  
 Хужумга ўтган  
                                 Коммунистлармиз.  
 Буюк Ленинизм  
                                 дарсхонасида,  
 Онгимиз пардозлаб  
 Қўрнқлар очган  
                                 бўғиб дарёларни  
 Денгизлар барпо  
 Этган қаҳрамон ҳам,  
 Сўнг тубсиз самога  
 Қанот қоққан биз  
                                 Коммунистлармиз.  
 Озодлик нури-ла  
 Йўғрилган бахтни  
 Тўсолмас ҳеч қачон  
 Қора булутлар.  
 Бас қилинг  
                                 иғвони,  
 Эрк душманлари,  
 Бу олам ўйинмас  
 Ўйинмас инсон!

Сафимиз чамалаб  
Кўринг бир карра,  
Барча эркесварлар,  
Тинчликсварлар  
Биз билан бир сафда  
                    курашмоқдалар.  
Африка, Осиё  
Барча қитъалар  
Сергак солдатлардек  
Кузатар сизни,  
Тинчлик деб,  
                    дўстлик деб,  
Момақалди роқ  
Сингари  гумбирлаб  
                    янграр овозлар.  
Жўр бўлиб бизлар ҳам  
Шу жаранг созга,  
Бахт куйин  
                    куйлаган  
Байналминалда  
                    Коммунистлармиз.

## УМИД ЮЛДУЗЛАРИ

Фазо каби кенгдир одам бағри ҳам,  
Биз унга чуқурроқ назар қилмаймиз.  
Сирлар оламидир ҳар битта одам,  
Юлдузлар сингари аниқ билмаймиз.

Юлдузлар термилар кўкдан мулойим,  
Талпинар одамлар кўкка умидвор.  
Одамлар бағрини ёритган доим  
Умид юлдузлари сўнмасин зинҳор!



## **АРМОН ҚИЛМАСДИМ СИРА...**

**Ловиллаган ўт бўлиб ёнеам,  
Олис кўкдан кўтармасдим юл.  
Ё яшиндек гулдираб бир дам  
Сўнмас эдим бенаф ва бенз!**

**Ловиллаган ўт бўлсам, порлаб,  
Муз қалбларга кириб борардим.  
Ва эритиб, ҳаётга чорлаб,  
Балки шунда ўзим сўнардим.**

**Лекин армон қилмасдим сира!**

Қўйлагайман, бахтни мамнун, бахтли даврон ичра мен,  
Бул ажаб жаннат мисоли боғи бўстон ичра мен.

Қайга мен қўйсам қадамни изларимдан унди гул,  
Қолмадим ғам ичра танҳо, ёлғиз армон ичра мен.

Олиму фозил элимга ер юзи таҳсин ўқир,  
Ақлу фикрим бирла учдим сирли осмон ичра мен.

Давримиз равшан эрур ул инқилоб ёғдусидан,  
Сақлагайман инқилобнинг шуҳратин жон ичра мен.

Орифо, бу гул ҳаётнинг шавқини назм айладим,  
Ҳисларимни жойлаб аста шеъру дoston ичра мен.

Эшикни қоққандай кимдир, шу замон,  
Тураман сесканиб, ўтмас не ҳаёл.  
Ҳаммаёқ осойиш, юлдузли осмон,  
Тераклар баргида шивирлар шамол.

Ўзимга тасалли бераман яна,  
Алдамчи қисларга қиламан тоқат.  
Тарк этар вужудим қўрқув, ваҳима,  
Тинчимас безовта юрагим фақат.

## ТОҒЛАРГА КЕЛИНГ

(Туркум)

Тоғлар аро сайр этганмисиз,  
Тоғлар бағри нақадар гўзал!  
Зерикмайсиз тоғларда ҳаргиз,  
Келинг, бодом гуллаган маҳал.

Тарғил лола очилганда ҳам,  
Вақтингизни аяманг асло.  
Яшнар шунда наврўзи олам,  
Атроф чаман, осмон мусаффо.

Юзни ювиб ойна булоқда,  
Боқинг олис кенгликлар сари  
Бу муаттар яшил ўтлоққа,  
Олиб келар меҳр йўллари.

Тингланг булбул навосин бирпас,  
Ва шалола қаҳқаҳасини.  
Еллар ўйнар нурларга пайваст,  
Ҳар ён сочиб райҳон исини.

Қуёш бир оз қиздирса агар,  
Арчазорнинг қучоғи салқин.  
Чарчоқликдан қолмайди асар.  
Гар олсангиз бир оз унда тин.

Тошлараро мўралаб қочган,  
Оҳуларни томоша қилинг.

Чўққилардан баландга учган,  
Орзуммиди, бургутмиди денг!

Нур оқизар зилол сувлари,  
Тўйиб-тўйиб симиринг ундан.  
Хаёл учар юксаклик сари,  
Юз яшарар кўнгил шу кундан!

Аста юриб кўринг у бийрон  
Қақликларнинг хиром айлашин.  
Кўм-кўк қирни олқишлаб чунон,  
Саъваларнинг ёниб сайрашин!

Ёзда келинг кўрасиз кўклам,  
Жилгаларда қорлар бўлади.  
Гул-чечаги яна ҳам кўркам,  
Олам яшнаб нурга тўлади.

Очилди қийғос ўлкам баҳорин  
Эрка дилбари — бодом гуллари.  
Чертади майин бу юрак торин  
Боққанинг сари бодом гуллари.

Гулга бурканди дала, боғларим,  
Тушар ёдимга ёшлик чоғларим,  
Чорлагай, эркам, сени тоғларим  
Сўқмоқ йўллари, бодом гуллари.

Йўлларга боқдим интизор бўлиб,  
Соғиниб, қўмсаб ҳам бедор бўлиб,  
Тўкилди бир-бир мисли қор бўлиб  
Ҳижрон тунлари бодом гуллари.

Кездим тоғларни сени сўроқлаб,  
Сен севган бодом гулин ардоқлаб,  
Орифо, ажаб учар йироқлаб,  
Хаёл сингари бодом гуллари.

Қуёш булут бағрини тилиб,  
Дарчасидан мўралаб қолди.  
Тарновдаги қалдирғоч тиниб,  
Мусичага қулоғин солди.

Ҳали тинмай оппоқ ёмғир ҳам,  
Беқасамин ёйди камалак.  
Силкинишиб майсалар хуррам,  
Маржон тақмиш нозик ғул чечак.

Мовий осмон,  
Шовуллайди сой,  
Жўшқин чашма қайнар бегубор.  
Тоғ бағрида нурли бир чирой,  
Сепин ёймиш келинчак баҳор.

Қоя узра айланар бургут,  
Ял-ял ёнар лолалар пастда.  
Ташвишларим бўлгандай унут,  
Термуламан атрофга аста.

Ёдга тушар ёшлик йилларим,  
Ва дилимни ёққан муҳаббат.  
Тўкилмоқда бодом гуллари  
Ел шивирлаб, куйлар табиат.




## ЁМҒИР ЕҚҚАНДА...

Қилич солди булутға чақмоқ,  
Ёмғир ёғди бирдан шувиллаб.  
Ва гулдираб момақалди роқ,  
Чопа кетди самовот бўйлаб.

Нур ва соя қувлашган бир дам,  
Чўққига бош қўйди камалак.  
Маржон тақиб майсалар хуррам,  
Яшнаб кетди қирда гул-чечак.

Теракзорлар ортида гулхан,  
Кенг уфқнинг этаги ёнди.  
Юрагимнинг тубида қолган  
Ҳислар бўрон бўлиб уйғонди...

Ёмғир ёғди бирдан шувиллаб...



## ҚИШ

Қор ёғар бўралаб иши тигиздай,  
Дала, қир ҳамма ёқ кийган оқ либос.  
Дов-дарахт бош эгмиш хаёлчан қиздай  
Тоғ пахта хирмонга қилгудек қиёс  
Дала, қир ҳамма ёқ кийган оқ либос.

Атрофга боқаман енгил ва хушҳол,  
Чанасин тортишар болалар қувноқ.  
Йўл очар ҳовлида барваста бир чол,  
Қиш ҳам гул баҳордек кўркем, хушчақчақ.  
Чанасин тортишар болалар қувноқ.

Дил торин чертиб ўйнар шаббода,  
Жийдалар қийғос гуллаган маҳал.  
Куйлар булбуллар жўшқин навода,  
Бу нурли олам нақадар гўзал!

Ям-яшил адир, жавдарли ўтлоқ,  
Кичик сўқмоқдан бораман маъюс,  
Адир ортида фируза қишлоқ,  
Бағрим қуршамиш аллақандай ҳис.

Унда менинг шўх ёшлиғим қолган.  
Қолган қўшиқдай муқаддас туйғу.  
Қалбимга оташ ва илҳом солган,  
Буюк даргоҳим худди мана шу!

Бугун зумрад боғларда йўқ нур,  
Хазон ўйнар адашган еллар.  
Намхуш ҳаво, томчилар ёмғир,  
Қўринмайди номозшом гуллар.

Бу манзара қанақа кимга,  
Менга дўстлар совуқроқ ботди.  
Хазон фасли сингиб руҳимга,  
Қалбда нотинч ҳислар уйғотди.

Хамир қориб тонг шуъласида,  
Нон ёпади тоғлик бир аёл.  
Чирсиллаган ўтин сасида,  
Минг йилларни қиламан ҳаёл.

Босиб ўтиб неча замонни,  
Боболардан келади нидо:  
Эъзоз айла, кўплар шу ноннинг  
Ҳасратида бўлдилар адо!

Хамир қориб тонг шуъласида,  
Нон ёпади тоғлик бир аёл...

## ГУДАК ЭДИМ...

Гўдак эдим суронли йиллар,  
Ҳис этардим урушни мен ҳам...  
Юрак ўйнаб, вужудим титрар,  
Бевақт йиғи, фарёд эшитсам.

О, одамлар, кўрай умрбод,  
Чеҳрангизда ёруғ табассум.  
Бўлаверсин Она-Ер обод,  
Соврилмасин тупроғи бир зум.

Яшнайверсин покиза туйғу,  
Қуламасин тоғлардан бир тош.  
Юракларни эзмасин қайғу,  
Гул юзларни ювмасин кўз ёш.

**Ўз иззатингни ўзинг  
Билганинг яхши.  
Ёмонга ҳам яхшилиқ  
Қилганинг яхши.  
Ғанимларнинг қалбини  
Тиг билан эмас,  
Одамийлигинг билан  
Тилганинг яхши.**

**Тоғ ортидан ҳар кун жилмаяр қуёш,  
Ёғдусидан бутун олам нурафшон.  
Сочимга оқ тушди, кўнглим эса ёш,  
Ииллар ўтмагандай бўламан ҳайрон.**

**Тоғ ортидан ҳар кун жилмаяр қуёш,  
Дегандай гафлатдан элни уйғотдим.  
Кўзимга юракдан сизиб келар ёш,  
Не-не одамларнинг изин йўқотдим.**



## **В А Қ Т**

**Қимдир вақтнинг  
Елкасидан тутади.  
Қимдир тезроқ  
Утишини кутади.**

**Вақт ўхшар  
Одамларнинг феълига.  
Қимда тезу,  
Қимда секин ўтади.**

Истагим: бўлмаса  
Тўсиқ йўлимда,  
Нурдан қанот боғлаб  
Учиб юрсам мен.  
Осмон харитаси  
Бўлса қўлимда,  
Юлдуздан юлдузга  
Қўчиб юрсам мен.

Юлдузлар куйласа  
Сирли тарона,  
Олис-олисларга  
Йўл солганимда.  
Қўл чўзса Она-Ер  
Бўлиб парвона,  
Самовот бағрида  
Мен толганимда.

**Афросиёбни кезаман ногоҳ,  
Қалбимда ўтмиш замон титроғи.  
Бешафқат ёвнинг тигидан э, воҳ,  
Шаҳарнинг мангу ўчса чироғи.**

**Кезаман юрак безовта, бетин,  
Тупроқ остида қолган шаҳарни.  
Не балоларни кўрмади замин,  
Яратиб қўйиб бағрида зарни.**

**Тошларда қотган тирқираган ёш,  
Ҳамон жаранглар шамширлар, тиглар.  
Сўзласа тупроқ, тилга кирса тош,  
Беролмай бардош бу олам йиғлар.**

**Афросиёбни кезаман ногоҳ...**

Гоҳо ёндириб, гоҳо совутдинг,  
Гоҳо йиглатиб, гоҳо овутдинг,  
Гоҳ эркалаб дилим шод этдинг,  
    Жон ичра жон азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, ғазал муҳаббат.

Гул узатдинг гулбаҳор бўлиб,  
Юз кўрсатдинг нозли ёр бўлиб,  
Нола қилдинг қўлда тор бўлиб,  
    Жон ичра жон азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, ғазал муҳаббат.

Толдирдингу, ўзинг толмадинг,  
Бирга юрдинг асло қолмадинг,  
Не кунларни бошга солмадинг,  
    Жон ичра жон азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, ғазал муҳаббат.

Ёшлигимнинг хирожи сенсан,  
Дилим ёруғ — сирожи сенсан,  
Қўшиғимнинг гултожи сенсан,  
    Жон ичра жон азал муҳаббат,  
    Қўшиғу куй, ғазал муҳаббат.

Исми-жисминг дил созига солиб куйладим,  
Қайга бормай хаёлимда сени ўйладим.  
Сенга бўлган муҳаббатим элга сўйладим,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Ишқинг дилга мезбон бўлди меҳмон бўлмади,  
Кирай дедим, меҳр уйингга осон бўлмади,  
Висолингдан ўзга менда армон бўлмади,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Неча йиллар ғамларингда тўздим, чидадим,  
Ишқ даштида мажнундан ҳам ўздим, чидадим,  
Кўз ёшимга кема солиб суздим — чидадим,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Энди эса кўз ёшлару алам беҳуда,  
Кипригингдан юмалаган шабнам беҳуда,  
Кетди чеккан оҳлариму, нолам беҳуда,  
Сен билмадинг, билиб ва ё кўзга илмадинг.

Тушларимда кўраман сени,  
Боғларда гул териб юрасан.  
Ёки анҳор бўйида мени  
Маъюсгина кутиб турасан.

Гоҳо бўлиб тенгсиз бир чаман,  
Лолалардан гулхан ёқасан.  
Хира кўнглим ёритиб бирдан,  
Тўлин ойдек кулиб боқасан.

Тунда боқсам тубсиз самога,  
Зухро бўлиб порлайсан, эркам.  
Ва айланиб сирли навога,  
Қайларгадир чорлайсан эркам.

Тушларимда кўраман сени...

Сени ёниб севдим, эй дилрабо қиз,  
Шаънингга қўшиқлар тўқидим ёниб.  
Ёшлиғим ўтди-ку сени деб ёлғиз,  
Ҳатто сўзлашмадим меҳрингга қониб!

Ғанимлар сўзига инониб кетиб,  
Энди бегонасан мунисим, эркам,  
Ёшлик ғурурини намоён этиб  
Мен каби армонда қолибсан сен ҳам.

Эшитдим аламдан бўлиб дилхаста,  
Боғларда паришон юрар эмишсан.  
Бахтиёр кунларинг, ёшлигинг аста,  
Сарғайган барглардан сўрар эмишсан!

Ҳа, ишқ мотамига йўқ ўзга чора...

## **СЕНИ ҚУТГАЙМАН...**

**Тоғларим бағрида аста эриб қор,  
Лолалар очилиб, кулганда баҳор.  
Булбуллар гулларга муҳаббат изҳор —  
Этганда интизор**

**сени кутгайман.**

**Бодомлар кўпириб гуллаган маҳал,  
Табиат ўзи ҳам куйлайди газал.  
Кезганда боғларни шунда, эй гўзал,  
Васлингга бўлиб зор**

**сени кутгайман.**

**Қанчалар ёқимли баҳор шамоли,  
У ҳам ўтиб кетар хаёл мисоли.  
Ҳеч қайси тоғда йўқ Чотқол жамоли,  
Тоғларим кезиб, ёр,**

**сени кутгайман.**



**Бола эдим... Бир кун эрталаб,  
Боғ кезардим, гуллаган бодом.  
Дилбар куйдек дилни эркалаб,  
Кукуларди қумри дамодам.**

**Бирдан чўкиб сукунат мағрур  
Пайдо бўлди боғаро бир қиз.  
Юзларидан ёғиларди нур,  
Эди ҳусну камолда тенгсиз.**

**Кўйлаги-ю бошда рўмоли—  
Эди бодом гулидек оппоқ.  
Сочлари ҳам ипак мисоли,  
Силкинарди, лол эдим мутлоқ,**

**Ёндирди-ю қалбим гўшасин  
Ғойиб бўлди у яна шу он.  
Уша қизу қумри ноласин,  
Ахтараман боғлардан ҳамон.**

## УЧРАШИБ ТУРАРДИК...

...Учрашиб турардик...

Шунда ногаҳон,

Юзларинг қип-қизил бўлиб кетарди.

Вужудинг босарди ўтли ҳаяжон,

Кўзларинг севинчга тўлиб кетарди.

Шарақлаб оқарди пойимизда сой,

Оларди паноҳга кекса мажнунтол.

Жилмайиб боқарди кўкда тўлин ой.

Бахтиёр эдик биз, эй, соҳибжамол!

Юлдузлар термилиб ҳавас қиларди,

Тераклар шивирлаб тебратарди бош.

Бизнинг сиримизни еллар биларди,

Биларди, қадимий совуқ харсанг тош.

Йиллар ўтди...

Мана,

Уша мажнунтол,

Сой эса ўшандай шарақлаб оқар,

Қандайдир ўртага тушган совуқ ҳол

Ва ўтли ҳижронинг бағримни ёқар!

Беғубор осмон, юлдузлар чаман,  
Ой кезар унда кокил паришон.  
Сирли товланиб чорлагай гулшан,  
Қайлардасан, эй дилбари жонон!

Беғубор осмон, юлдузлар чаман,  
Боғларда ўрик гуллаган маҳал.  
Ҳижрондан эмас, висол, вафодан,  
Кел бу оқшомда куйлайлик ғазал.

Беғубор осмон, юлдузлар чаман,  
Хаёлим сенда кўзлари хумор.  
Булбулдек ёниб қўшиқ айтаман.  
Васлнингга мен зор, тинглар гул баҳор.

Сен гўзалсан,  
Гўзал беқиёс.  
Илҳом берган қалбимга ўзинг.  
Сўзларинг ҳам чиройингга мос,  
Сўнмасин ҳеч ёниқ юлдузинг!  
Сен борки, бу ҳаётим кўркем,  
Иўлларимда машъал чироқсан.  
Ва ҳаётбахш қуёшдек эркем,  
Не қнлайки, мендан йироқсан!  
Сен гўзалсан,  
Гўзая беқиёс...

## **ХАЙРЛАШДИНГ...**

**Хайрлашдинг маъюс ва совуқ,  
Қайрилмасдан кетдинг йўлингга.  
Буни сендан кутмагандим, йўқ,  
Топширганда қалбим қўлингга.**

**Кўз ўнгимни босди бир туман,  
Изтиробда хаёлга толдим.  
Ёруғ экан олам сен билан,  
Сенсиз гўё зулматда қолдим.**

**Хайрлашдинг маъюс ва совуқ...**

Маҳабалипурам тенгсиз бир чаман,  
Океан бош уриб аста шовуллар.  
Фасли қиш, ёзги нур ҳарорат билан,  
Беҳадик кўкида қуёш ловуллар.

Ранг-баранг гулларда акс этар зиё,  
Тунлар ҳам гўзалдир бир эртак мисол.  
Яқиндай кўринар юлдузлар гўё,  
Пальмазор оралаб шивирлар шамол.

Таралар оҳиста мунгли—ҳазин куй,  
Ҳинд қизи қўшиқда айлайди фиғон.  
Эзади вужудим изтиробли ўй,  
Учади оҳангда орзу ва армон.

Маҳабалипурам тенгсиз бир чаман...

---

\* Ҳиндистондаги бир сўлим қишлоқ.

•

Хонамизда қуёш нурланар,  
Сенинг ширин табассумингдан.  
Дилда нозик ҳислар уйғонар,  
Сенинг ширин табассумингдан.

Гуллар бўйинг бўйлаб туради,  
Дил булбулдек куйлаб туради,  
Осмон эртақ сўйлаб туради,  
Сенинг ширин табассумингдан.

О, қанчалар гўзал бу ўлкам,  
Бағри доим баҳордек кўркам.  
Яшнар гўё борлиқ яна ҳам,  
Сенинг ширин табассумингдан.

Шодликнинг ҳеч баҳоси бўлмас,  
Завқи йўқнинг сафоси бўлмас,  
Қўшигимнинг адоси бўлмас,  
Сенинг ширин табассумингдан.



Уртаниб ул нозанин ҳижронга дошин кўрсатур,  
Тунлари мактуб ёзиб, меҳру қуёшин кўрсатур.

Бошида минг бир хаёл ёр йўлларига кўз тутиб,  
Оҳ чекиб гоҳида ул кўзларда ёшин кўрсатур.

Севганига қалбида асраб садоқат гулини,  
Айтмайин ағёрга роз бағрида тошин кўрсатур.

Дил очиб айтса қўшиқ тонгда туриб гулшан аро,  
Кокилин ўйнаб сабо, ҳусни талошин кўрсатур.

Орифо, кўрсатса гар аҳли вафолар тоқатин,  
Бевафолар ўйнатиб қайрилма қошин кўрсатур.



Ишқ элининг шамъи шабистони садоқат,  
Шамъи шабистони надур жони садоқат.

Севги гули меҳригиё ошиқ учун ким—  
Меҳригиё гулларин боғбони садоқат.

Қалбини гар ўртаса ҳам оташи ҳижрон  
Боглар умид васлига шул они садоқат.

Равшан этур дилни абад моҳи саодат,  
Эрса вужуд мулкининг султони садоқат.

Кимки садоқатли Ориф бахтли дегай эл,  
Бахт йўлининг мангу чароғбони садоқат.

Кўрдим, она, юзингиз кўз очиб тонг маҳалда,  
Меҳрингиз дилга чиздим офтоб мисол ҳалда.

Меҳр қуёшингиздан бўлди дилим мунаввар,  
Ширин сўзларингиздек ширинлик йўқ асалда.

Бу оламни танитган бағри олам ўзингиз,  
Онаси асли олам яралмасди азалда.

Бахти кулган гул диёр бағрида завққа тўлиб,  
Меҳрингиз куйлар Ориф қўшиқ қилиб ғазалда.

**Очилиб гул-гул зебо бўлибсиз,  
Қора кўзлари шаҳло бўлибсиз.**

**Гулшан диёрим гулга ўрай деб,  
Меҳрингиз тошиб, дарё бўлибсиз.**

**Хулқу меҳнатда ибрат кўрсатиб,  
Элда обрўйи аъло бўлибсиз.**

**Илҳом олурман сўзларингиздан,  
Жоно, мунчалар доно бўлибсиз.**

**Куйлагай Ориф булбулдай ёниб,  
Чаманда бир гул раъно бўлибсиз.**

## АЙЛАГАЙ ГУЛЛАР ҲАВАС

Бўй эгар шамшод, кўриб қадди ниҳолингни сени,  
Айлагай гуллар ҳавас рухсори олингни сени.

Гунча узра томган ул феруза шабнам сингари  
Бўлмагай таъриф қилиб ҳеч дона ҳолингни сени.

Бир кўришда солди ўт ўт кўзларинг бағрим аро,  
Тинглабон ёндим яна ширин мақолингни сени.

Куйладим тун кечалар ҳажрингда мен зор ўртаниб,  
Айладим орзу фақат жоно висолингни сени.

Иўлларингга Орифинг меҳрин поёндоз айлади,  
Ташна дил қонсин кўриб меҳри зилолингни сени.

Яна бошим эгиб сен ёра келдим,  
Ҳажрингга топмайин мен чора, келдим.

Меҳринг қуёш каби тортар ўзига,  
Чарх уриб бамисли сайёра келдим.

Васфингни куйлабон шому саболар,  
Гул юзинг ишқида гулзора келдим.

Висол орзулари хаёлим чулгаб,  
Бағримни ўртади тобора, келдим.

Ориф Мажнун дебон қилма маломат,  
Ишқим яширмайин ошкора келдим.

Ёр қўшиб меҳри шалоласидан,  
Тутди шароб ишқ пиёласидан.

Оҳишта билдим кўнглида борин,  
Кўз ила қоши ҳилоласидан.

Гул сочди олам гўё бошимдан,  
Айтганда севги рисоласидан.

Қўлидан ушлаб боғларни кездим,  
Тутдим қирларнинг гул-лоласидан.

Севган, севилган бахтли ҳамиша,  
Ичса вафонинг зилоласидан.

Куйладим Ориф, севги ва бахтни,  
Хушдур булбуллар гам ноласидан!

Тоғларим бағри сенинг тотли висолинг эслатур,  
Гуллари зеболаниб, қадди инҳолинг эслатур.

Қўнгироқ кулгинг мисол шўх сойлари хандон уриб,  
Чашмаи биллурлари меҳри зилолинг эслатур.

Бўй сочар райҳонлари кокил паришонинг каби,  
Лолалар гул-гул ёниб, рухсори олинг эслатур.

Оқ шоҳи бошда рўмоли, қоялар осмон ўпар,  
Ул қуёшга етгудек бахти камолинг эслатур.

Изларингни қўмсаб Ориф, кезса тоғлар бағрини,  
Қуйлашиб булбуллари ширин мақолинг эслатур.

Туриб эрта саҳарларда, сабони куйласам дўстлар,  
Юрогим торини чертган навони куйласам дўстлар.

Менга олам берар сўйлаб узоқ ўтмиш бисотидан,  
Бошимга қўнган бу нқбол ҳумони куйласам дўстлар.

Замин узра оқар нурлар, поёни йўқ самовотдан,  
Тушар ўйинга юлдузлар, самони куйласам дўстлар.

Булоқдек қайнагай илҳом, гўзал давримни олқишлаб,  
Садоқат бирла оҳиста вафони куйласам дўстлар.

Дилим Ориф яна равшан, бўлиб тобора нур сочгай,  
Элимга бахт ато этган зиёни куйласам дўстлар.



Ганжннайи ишқинг сенинг  
Тожимдир ўзга тожим йўқ,  
Ёлғиз висолингдан бўлак  
Мени ҳеч эҳтиёжим йўқ.

Меҳрим поёндоз айлайин  
Ёр сен келар йўлга қараб,  
Жоним берай суюнчига  
Бошқа божу хирожим йўқ.

Юзинг қуёшдан санам  
Бўлсам олис мисоли мен,  
Заъфарон бир гиёҳдурман  
Ишқ боғида ривожим йўқ.

Ёр сўзларингнн соғиниб  
Тунлар ёниб битсам ғазал  
Қўшиқ бўлиб етса сенга  
Нетай бошқа иложим йўқ.

Ориф тасалли изламам  
Боғ сайридан, тоғ сайридан  
Бўлмаса васлинг менга  
Уйимда нур — сирожим йўқ.

## ДАНГАСА

(Ҳажвин)

Элим дарё баъзида учрар кўлмак дангаса,  
Иштаҳаси ишга йўқ, ошга карнак дагаса,  
От ҳуркар савлатидан, қорни хумдак дангаса,  
Юрганда пиш-пиш этар, бурни ҳуштак дангаса,  
Ёзда ҳам ечмас, қишда кийса телпак, дангаса.

Юради кўча-кўйда кераксиз гапни сотиб,  
Гоҳи носвой оғзида, гоҳ папирос тутотиб,  
Қолса борми бир жойда юз эллик грамм отиб,  
Муштлашади дуч келган киши яқосин тортиб,  
Ташлаб одамлик тўнин мисли кўппак, дангаса,

Обрў ҳиммат истаган, асло зиённи демас,  
Дуч келса гар қийин иш, қочиб осонни демас,  
Меҳнатдан юз ўнрган инсон виждонни демас,  
Ўнглмасанг ўзингни, Ориф ёлғонни демас,  
Бошда синар бир кунни оғир қалтак, дангаса.

Утдек ёнган юрак, юракдир, дўстим,  
Юракдан гар тилак—тилакдир, дўстим.  
Қилган иши элу юртга ёқмаса,  
Бундай киши кимга керакдир, дўстим!

\* \* \*

— Э сой қирғоқлардан ўйнаб ошасан,  
Тошни тошга уриб қайга шошасан?  
— Юртим боғига-ю, элим қонига,  
Сен-чи,  
Мен сингари қачон тошасан?

\* \* \*

Мен дедим: — Най каби мунглимас дотор,  
Қуйнигда доимо шодлик барқарор.  
У деди: — Сен менинг чертганда торим,  
Дилингда борини қиламан изҳор.

\* \* \*

Зарурат ҳаётдан яхшими, ёмон,  
Оэми-кўпми яшаб ўтар ҳар инсон.  
Келажак элларга эсдалик бўлиб,  
Уят ортда қолса қуруқ қабристон!

\* \* \*

Бир иш қилмай туриб, аҳдим бор, дема,  
Қўл урмай керилиб, нақдим бор, дема.  
Ҳар ишни вақтида қилгилу, аммо,  
Вақт қутмас сени, вақтим бор, дема.

\* \* \*

Ёмонга ёндошсанг багринг эзармиш,  
Илон кўрган жойдан қуш ҳам безармиш.  
Нодон ўзгаларни нодон санаса,  
Доно ҳар кимсани доно сезармиш.

\* \* \*

Кўксингни тоғ қилу, димогинг паст қил,  
Дилинг эл дилига богла, пайваст қил.  
Даврада дўстларни ҳурмат, одобу  
Ширин суҳбатинг-ла сархуш қил, маст қил.

\* \* \*

Тўлқин уриб, тўлғаниб дарё оқади,  
Қоя унга бепарво, ҳиссиз боқади.  
Боқиб ҳиссиз қояга нафратим ошса,  
Жўшқин дарё шовуллаб, қалбим ёқади.

\* \* \*

Денгизда кемасиз сузиб бўлмайди,  
Юлдуздан маржон — дур тизиб бўлмайди.  
Ҳавойи ҳаёлга берилма сира,  
Осмондан олтин ой узиб бўлмайди.

\* \* \*

Боқдиму лол қилиб қўйдинг тилимни,  
Ут бўлиб ўртадинг багри-дилимни.  
Тунда бедор, кундуз бсҳуш юрармен,  
Осон эт сен ўзинг бу мушкулимни.

\* \* \*

Қарибсан десалар дўстларим агар  
Ҳазилми ва ё чин кўнглимни эзар.  
Аммо гул ёшликни ортда қолдириб,  
Сездирмай қарнлик ўзин кўргазар.

\* \* \*

Ёшини яшаган бир она ўлди,  
Фарзандлар йиғлашиб, уй додга тўлди.  
Марҳума онанинг ўлим олдида,  
Энг сўнгги сўзи ҳам «Вой, она!» бўлди.

Коммунистлармиз . . . . .	
Умид юлдузлари . . . . .	
Армон қилмасдим сира . . . . .	
Бахтли даврон . . . . .	
Эшикни қоққандай кимдир . . . . .	
Тоғларга келинг (туркум) . . . . .	
Бодом гуллари . . . . .	
Манзара . . . . .	
Сирли сукунат . . . . .	
Ёмғир ёққанда . . . . .	
Қиш . . . . .	
Дил торин чертиб . . . . .	
Кеч куз . . . . .	
Хамир қориб тонг шуъласида . . . . .	
Гўдак эдим . . . . .	
Ўз нозатингни ўзинг . . . . .	
Тоғ ортидан ҳар кун жилмаяр қуёш . . . . .	
Вақт . . . . .	
Истагим . . . . .	
Афросиёб . . . . .	
Муҳаббат . . . . .	
Сен билмадинг . . . . .	
Тушларимда кўраман сени . . . . .	
Ишқ мотами . . . . .	
Сени кутгайман . . . . .	
Бола эдим . . . . .	

Учрашиб турардик	34
Хаёлим сенда . . . . .	35
Сен гўзалсан . . . . .	36
Хайрлашдинг . . . . .	37
Маҳабалипурам . . . . .	38
Сенинг ширин табассумнигдан	39
Кўрсатур . . . . .	40
Садоқат . . . . .	41
Она меҳри	42
Зебо бўлибсиз . . . . .	43
Айлагай гуллар ҳавас	44
Келдим . . . . .	45
Ишқ таронаси	46
Эслатур . . . . .	47
Туриб эрта саҳарларда	48
Висолинг эҳтиёжимдур .	49
Дангаса (ҳажвия) .	50
Тўртликлар . . . . .	51

АРИФ АДILXANOV  
ГОРНЫЕ ИСТОЧНИКИ

С т и х и

Иқтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди.

Редактор *Т. Алимов*  
Рассом *Ф. Шокиров*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *Э. Саидов*  
Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 1706

Босмахонага берилди 13.06.80. Босилишга рухсат этилди 16.07.80.  
Р.09088. Адабий гарнитурa. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғо-  
зи №1. Шартли босма л. 2.05. Напш л. 1,15. Тиражи 10000.  
Заказ № 1898. Баҳоси 15 т.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129,  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси иш-  
лари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия иш-  
лаб чиқариш бирлашмаси, 3-босмахонасида босилди. Тошкент,  
Хоразм кўчаси, 9.